

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУРАҚУЛОВ РУСТАМ ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАМҚОНЛИК БИЛАН
КЕЧГАНДА ААФ ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИ ЭРИТРОПОЭТИН
БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of dissertation abstract of doctoral (DSc) dissertation

Турақулов Рустам Исматуллаевич

Сурункали юрак етишмовчилиги камқонликбилан кечганда ААФ гени полиморфизмини эритропоетин билан боғлиқлигини ўрганиш ҳамда ташхислаш ва даволашга дифференциал ёндашиш..... 3

Турақулов Рустам Исматуллаевич

Дифференциальный подход к диагностике и лечению больных с хронической сердечной недостаточностью в сочетании с анемией и изучение полиморфизма гена АПФ с эритропоетином..... 29

Turakulov Rustam Ismatullayevich

Differential approach to the diagnosis and treatment of patients with chronic heart failure in combination with anemia and the study of ACE gene polymorphism with erythropoietin..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУРАҚУЛОВ РУСТАМ ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАМҚОНЛИК БИЛАН
КЕЧГАНДА ААФ ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИ ЭРИТРОПОЭТИН
БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Tib486 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гадаев Абдиғаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Темур Атаназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Махмудова Азиза Джумаевна
тиббиёт фанлари доктори

Турсунов Хатам Хасанбоевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

И.П. Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий–амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел./Факс: (+99871) 237 31 57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел/факс: (+99871) 2373157.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги ____рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) соғлиқни сақлаш тизимини муҳим ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, жаҳон аҳолиси орасида ўлим ва ногиронликнинг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда «... СЮЕ кечишини оғирлаштирувчи омиллар орасида камқонлик ҳам асосий ўрин тутиши тасдиқланган...»¹. Қатор йиллар давомида олиб борилган кузатувларда ушбу оғир асорат ташхиси қўйилган беморлар орасида камқонлик 4,1% дан 61% гача учраши аниқланиб, СЮЕ функционал синфлари (ФС) ошиб боришига мос равишда ушбу кўрсаткич кўпайиб бориши қайд этилган. Камқонликнинг мавжудлиги СЮЕнинг кечиши ва оқибати ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан турли этиологияли камқонлик билан кечган СЮЕни эрта ташхислаш ва муқобил даволаш амалий тиббиёт заруратидан келиб чиқиб илмий изланишларни давом эттиришни давр тақозо қилади.

Жаҳонда СЮЕда турли этиологияли камқонликни юзага келиши ва ривожланиб боришида яллиғланиш жараёнларини фаоллаштириши билан бир қаторда айрим генетик омилларнинг тутган ўрнини баҳолаш, эрта даврларда ташхислаш, даволашга янгича ёндашишларни яратиш бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда СЮЕ мавжуд беморларда камқонликни учраш сабабларини тўлақонли ўрганиш, унда ACE гени I/D полиморфизимини аллел ва генотипларини касаллик ривожланишидаги ўрнининг асослаш, турли этиологияли камқонликда суяк кўмидаги ўзгаришлар билан феррокинетик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш, лаборатор-асбобий текшириш усулларини такомиллаштириш, камқонлик ривожланишини эрта даврларда аниқлаш ва монанд даволаш-профилактика усулларини ишлаб чиқиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, СЮЕни нохуш кечиши ва турли асоратларини ривожланишига сабабчи бўлган камқонликни бартараф этиш, беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда клиник ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш бўйича кенг куламли чора тадбирлар амалга ошмоқда. Республикаимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатишни қўлайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий ташхислаш ҳамда даволаш усулларини амалиётга тадбиқ этилишини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда

¹ Мареев В.Ю., Фомин И.В., Агеев Ф. Т. и др. Клинические рекомендации ОССН-РКО-РНМОТ Сердечная недостаточность: хроническая и острая декомпенсированная. Диагностика, профилактика и лечение//Кардиология. – 2018. - Т. 58(6S). - С.8-158.

СЮЕда кузатиладиган турли этиологияли камқонликлар юзага келишида номзод генлар полиморфизмларини учраш даражасини аниқлаш, дифференциал ташхислаш ва даволашнинг монанд усулларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”², 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Юрак қон-томир касалликлари, жумладан, СЮЕ камқонлик билан кечилишининг ўзига хослиги, ташхислаш ва даволаш мезонларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Pathology and Medicine, Stanford University (Америка қўшма штатлари), Department of Heart Diseases, Wroclaw Medical University (Польша) Interventional Cardiology Research Office, Regina General Hospital, University of Saskatchewan (Канада), Azienda Ospedaliera Universitaria Integrata Verona (Италия), Max Super Specialty Hospital (Ҳиндистон), И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Россия тиббиёт академияси ва А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт - стоматология университети (Россия), Харьков тиббиёт академияси (Украина), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий - амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда камқонликни учраши, касаллик кечилишига салбий таъсири ҳамда даволашни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, ЎзР. Қонун Ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий - тадқиқотлар шарҳи <http://www.sc.edu>, www.ucsf.edu, <http://www.utexas.edu>, <http://www.uark.edu>, <http://www.virginia.edu>, <https://www.uni-leipzig.de/en/>, <http://www.qmul.ac.uk>, www.rug.nl, www.tmu.edu.tw, www.mma.ru, www.tma.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

мувофиқлаштиришга қаратилган тадқиқотлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: СЮЕ турли этиологияли камқонлик билан кечганда унинг беморларни жисмоний юкламаларга чидамлилиги, ҳаёт сифати ва клиник ҳолатига салбий таъсири асосланган (Department of Pathology and Medicine, Stanford University, Америка қўшма штатлари); яллиғланиш цитокинлари миқдорини ошиши СЮЕ мавжуд беморларда камқонлик ривожланишига олиб келиши исботланган (Interventional Cardiology Research Office, Regina General Hospital, University of Saskatchewan, Канада); улар феррокинетик кўрсаткичларни ташхисий аҳамиятини камайтириши асосланган (И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Россия тиббиёт академияси ва А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт-стоматология университети, Россия). Шунингдек, СЮЕ камқонликни юзага келиши ва даволашни мувофиқлаштириш бўйича мамлакатимизда ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилган (Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида камқонлик билан кечган СЮЕни ташхислаш ва дифференциал даволаш бўйича қуйидаги қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, касалликни ташхислашда хужайранинг ташқи юзасида жойлашган темир ионларини хужайра ичига киришини таъминлайдиган эрувчи трансферрин рецепторларини прогностик аҳамиятини баҳолаш; СЮЕда камқонлик ривожланишида ўзбек миллатига мансуб беморларда АСЕни кодловчи I/D гени DD, ID, II полиморфизмлари таъсирини асослаш; камқонлик билан кечган СЮЕни эрта ташхислаш ва унинг патогенетик ривожланиш механизмларини инобатага олиб самарали дифференциал даволашга эришиш; СЮЕ ренал камқонлик билан кечганда, қон зардобидаги эритропоэтин миқдоридан терапевтик нишон сифатида фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СЮЕга чалинган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини узайтириш, унинг кечишини оғирлаштирувчи омиллар, шу жумладан, камқонликни ўз вақтида аниқлаш ва монанд даволаш бугунги кун тиббиётида долзарб ҳисобланади. У камқонлик билан кечганда гемоглобин кўрсаткичлари меъёрида бўлган беморларга нисбатан ўлим кўрсаткичи икки баробар кўплиги ўтказилган тадқиқотларда ўз исботини топган.

Айни пайтда СЮЕ аниқланган хасталарда камқонликга олиб келувчи омиллар ҳамда унинг патогенези мукамал ўрганилмаган. Қатор тадқиқотларда буйрак дисфункцияси ва организмда темир алмашинувининг бузилиши, хусусан яллиғланиш олди цитокинларининг фаоллашуви сабабли юзага келган сурункали касалликлар камқонлиги унинг сабаблари деб қаралмоқда. Кейинги йилларда нашр этилган тадқиқотларда келтирилишича сўнги қайд этилган камқонликни юзага келишида инсон организмнинг турли соҳаларида хусусан, энтероцитлар ва макрофагларда темир алмашинувига тўсиқлик қиладиган оксил гепсидин тўғрисида фикрлар

айтилмоқда. Қайд этилган ҳолатларда ушбу ўткир фазали оксилнинг меъёридан ишончли юқори бўлиши кўрсатилган.

Сўнгги йилларда СЮЕ кечишида ангиотензин айлантурувчи фермент (АСЕ) гени полиморфизмини камқонлик ривожланишидаги аҳамиятини ўрганишга бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин олинган маълумотларни бир-бирига зид эканлиги, генларни учраши турли минтақаларда, хусусан Европа ва Осиё давлатлари аҳолисида турли нисбатларда кузатилиши ушбу муаммо устида илмий ишларни давом эттириш долзарблигини тасдиқлайди.

Маълумки, СЮЕ патогенези асосида тизимли гипоксия жараёнлари ётади. Замонавий адабиётлардаги маълумотлар СЮЕни ривожланиши ва авж олиб боришида иммун-яллиғланиш жараёнлари муҳим ўрин тутиши, уларни организмдаги гипоксия ҳолати билан биргаликда суяк кўмигидаги эритропоезга таъсир кўрсатиши тасдиқланган [Anker S.D., 2018; Гадаев А.Г., 2019]. СЮЕ камқонлик билан кечганда суяк кўмигидаги ўзгаришларни баҳолашга бағишланган тадқиқотлар санокли эканлиги ва изланишнинг асосий йўналиши ўзак хужайраларни ўрганишга бағишланганлигини ҳисобга олсак, турли этиологияли камқонликларда суяк кўмигидаги патологик оғишларни ўзига хослигини баҳолаш ҳамда ташхисий аҳамиятини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Бинобарин, СЮЕ камқонлик билан кечган беморларда камқонликни даволаш уларни клиник ҳолати ва ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келади. Шу сабабли СЮЕ мавжуд беморларни муқобил даволашда камқонликни инобатга олиш муҳим амалий аҳамиятга эга [Мареев В.Ю., 2018].

АҚШ тадқиқотчиларининг фикрига кўра, СЮЕ мавжуд беморларда камқонлик кузатилса, уни даволашда темир препаратларини эритропоезин билан бирга қўлланилиши беморларни касалхона шароитида даволаниш давомийлиги камайиши, буйрак дисфункцияси барқарорлашиши, чап қоринчани қон отиш фракциясини ошишига олиб келади [Ватутин Н.Т., 2019; Anker S.D., 2018]. Олинган натижалар кенг кўламли RED-HF деб аталган рандомизирланган клиник кузатувни ўтказишга асос бўлган [Swedberg K., 2013; Welsh P, 2018]. Лекин қайд этилган кузатувда эритропоезин олишларига қарамасдан беморларнинг шифохонада ётиш ва ўлим кўрсаткичларида ишончли ижобий натижалар олинмаган ва уларда тромб кўчиши ҳамда эмболиялар оқибатида бош мия инсульти юзага келиш эҳтимоли ишончли даражада кўпайганлиги қайд этилган [Peter van der Meer., 2018]. Кузатувлар кўрсатишича қон зардобидаги эритропоезин муҳим прогностик меъзон бўлиб, унинг миқдорини ошиши кўплаб нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. СЮЕ камқонлик билан кечган беморлар қон зардобида эритропоезин миқдорини етишмаслиги эса ўз навбатида уларда ўлим кўрсаткичинини ошиши ҳамда ягона темир препаратини вена ичига юбориш орқали ижобий самарага эришиб бўлмаслиги қатор илмий изланишларда ўз исботини топмоқда. Шу сабабли темир препарати билан эритропоезинни биргаликда қўллаш бугунги кунда ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили камқонликнинг мавжудлиги СЮЕ кечишини оғирлаштириши, беморлар ҳаёт сифатига кескин салбий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Шу сабабли унинг ривожланиш механизмларини мукамалроқ ўрганиш, стандарт дори воситаларига кўшимча равишда монанд даво чораларини танлаш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади СЮЕ камқонлик билан кечганда ACE гени полиморфизмининг эритропоэтин кўрсаткичи билан боғлиқлигини ўрганиш ҳамда ташхислаш ва даволашга дифференциал ёндашишни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СЮЕ турли этиологияли камқонлик билан кечган беморларда қон зардобдаги темир, трансферрин, ферритин, гепсидин ва эритропоэтин кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш;

СЮЕ камқонлик билан кечганда унинг сабабларини аниқлашда қон зардобдаги эрувчи трансферрин рецепторини диагностик аҳамиятини баҳолаш;

СЮЕ камқонлик билан кечганда суяк кўмигидаги ўзгаришларни ўрганиш;

СЮЕ турли этиологияли камқонликлар билан кечган беморларда ACE гени I/D полиморфизмининг учраш даражасини баҳолаш ҳамда уни эритропоэтин кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганиш;

СЮЕ турли этиологияли камқонликлар билан кечганда уни ташхислаш ва муқобиллаштирилган давосига оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

СЮЕни камқонлик билан кечганда ўрганилган кўрсаткичлар асосида даволашга дифференциал ёндашишни беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг кардиология ва кардиореабилитация бўлимларида даволанган юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва гипертония касаллиги (ГК) негизида ривожланган II-III функционал синф (ФС)даги СЮЕ мавжуд жами 203 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг веноз қони зардоби, иммунологик ва биокимёвий ҳамда генетик таҳлиллар шунингдек, суяк кўмиги биоптати олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида клиник, биокимёвий (зардобдаги темир, ферритин), иммунофермент (эрувчи трансферрин рецептори, эритропоэтин), асбобий (ЭКГ, ЭхоКГ), генетик (ACE гени I/D полиморфизми) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги мутлақ темир танқислиги камқонлиги билан кечганда эрувчи трансферрин рецепторлари меъёрий кўрсаткичларидан ишончли ошиши ва касаллик оғирлик даражаси билан ҳамоҳанглиги аниқланиб, жараёни эрта ташхислаш ва ноҳуш асоратларини олдини олиш ҳамда даво самарадорлигини башоратлаш асосланган;

сурункали юрак етишмовчилиги турли этиологияли камқонлик билан кечган ўзбек миллатига мансуб беморларда ACE гени полиморфизмини камқонлик юзага келишидаги аҳамияти исботланган;

илк бора ACE гени I/D полиморфизмини II, ID, DD генотип сақловчилари қон зардобида эритропоэтин кўрсаткичи ўрганилиб, II генотипи сақловчиларда ренал камқонлик ривожланиш механизмининг хусусиятлари очиқ берилган;

СЮЕ турли этиологияли камқонлик билан кечган беморларнинг феррокинетиқ ўзгаришларини инобатга олган ҳолда даволашга дифференциал ёндашиш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

СЮЕ турли этиологияли камқонлик билан кечган беморларни муқобил патогенетик даволашда феррокинетиқ кўрсаткичлар билан бирга эрувчи трансферрин рецепторлари ҳолатини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгаллиги исботланган;

СЮЕ турли этиологияли камқонлик билан кечганда ACE гени полиморфизмини учраши ва эрувчи трансферрин рецептори, эритропоэтин, гепсидин миқдорий кўрсаткичларига қараб антианемик даво сифатида вена ичи темир препарати ва рекомбинант эритропоэтинни биргаликда монанд миқдорларда қўлланилиши юрак ичи гемодинамикасини ижобий ўзгариши, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифатини яхшиланиши ва жисмоний юкламага чидамлилигини ошишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, иммунофермент, асбобий, генетик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, сурункали юрак етишмовчилигида турли этиологияли камқонликлар ривожланишининг клиник - патогенетик ҳамда генетик жиҳатларини таҳлил қилиш, касалликни ташхислаш ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган тадбирларни изоҳлашда ҳорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, СЮЕ камқонлик билан кечганда ACE гени I/D полиморфизмини полимераз занжирли реакция орқали, қон зардобидаги эрувчи трансферрин рецептори миқдорини иммунофермент таҳлил усулида аниқланиши касалликнинг кечиши ва авж олиб боришида

муҳим ўрин тутган камқонлик сабаблари тўғрисида бошқа инвазив бўлмаган усулларга нисбатин аниқ маълумот бериши исботланган. Уларни динамикада аниқлаб борилиши буюрилган патогенетик даво самарасини баҳолаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши СЮЕда камқонликни самарали бартараф этиш, унинг авж олишини секинлаштириш ва касаллик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган нохуш асоратларни олдини олиш ҳамда даволашни муқобиллаштиришга олиб келиши билан ифодаланган. Бу натижалардан фойдаланиб, шифохонага қайта ётиш ва содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ҳолатларини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошириш ҳамда ўртача умр кўриш давомийлигини узайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СЮЕ турли этиологияли камқонликлар билан кечганда АСЕ гени полиморфизмларининг генотип ва аллелларини учраши ҳамда қон зардобидеги трансферрин эрувчи рецепторлари ва эритропоэтин кўрсаткичлари, улар асосида ўтказилган ташхислашнинг тизимли қиёсий таҳлили, шунингдек, даволашга дифференциал ёндашиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари хулосалари асосида:

«Сурункали юрак етишмовчилиги турли этиологияли камқонлик билан кечганда ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 январдаги 8 н-р/76-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕда юзага келадиган камқонликларни дифференциал ташхислаш, уларни кечишини мониторинг қилиш имкониятини яратди;

«Сурункали юрак етишмовчилиги турли этиологияли камқонлик билан кечганда даволаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 январдаги 8 н-р/75-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома СЮЕ камқонлик билан кечган беморларни даволашга дифференциал ҳамда монанд ёндашиш имкониятини беради;

СЮЕ камқонлик билан кечиши бўйича қиёсий ташхислашнинг тизимли таҳлили ва даволашга дифференциал ёндашиш бўйича олинган тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиология ва кардиореабилитация бўлимлари, 2–сон Республика клиник шифохонасида соғлиқни сақлаш амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17-февралдаги 8 н-д/60-сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар касаллик кечиши эҳтимоллигини аниқлаш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқариши, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилланишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, жумладан 14 та журнал мақоласи, улардан 11 таси республика журналларида ва 3 таси чет эл журналларида чоп этилган, мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши тавсифланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи ва тадқиқотнинг илмий янгилиги амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилигида камқонликнинг юзага келиши ва кечишига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили баён қилинган. Бунда СЮЕда камқонлик ривожланиши ва кечишининг муҳим патогенетик ва генетик бўғинлари, асосий текшириш ҳамда даволаш тадбирлари, жумладан, беморларда нейрогуморал омилларнинг фаоллашиши натижасида сурункали касалликлар камқонлигини ривожланиши, мутлақ ва нисбий темир танқислиги камқонлигини ташхислашда эрувчи трансферрин рецепторларини аҳамияти бўйича замонавий қарашлар, СЮЕ камқонлик билан кечишида АСЕ ген полиморфизмини тутган ўрни ёритилган, изчил ўрганишни талаб қилувчи саволлар жамланмаси аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзуни ўрнаниш муҳимлиги асосланган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилигида турли этиологияли камқонликлар билан кечишининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларини баҳолашни материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқодга юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва гипертония касаллиги (ГК) негизида ривожланган СЮЕ мавжуд 203 нафар беморлар танланди. Улар иккита камқонлик ва камқонликсиз кечган гуруҳларга бўлинди. СЮЕ камқонлик билан кечган гуруҳ ўз навбатида феррокинетик кўрсаткичлардан келиб чиқиб қуйидаги кичик гуруҳларга ажратилди. СЮЕ мутлақ темир танқислиги камқонлиги (ТТК) билан кечган **“СЮЕ+ТТК”** гуруҳ 53 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши $63,4 \pm 1,2$ эркаклар 22

(41,5%) ва аёллар 31 (58,5%) ни ташкил этди. СЮЕ функционал синф (ФС) бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилганда II ФС 24 (45,3%) ва III ФС 29 (54,7%) нафар беморлардан иборат бўлди. Ушбу гуруҳда инфарктдан кейинги кардиосклероз (ИККС) сони - 26 (49%), аорта коронар шунтлаш (АКШ) ёки стентлаш амалиёти ўтказганлар - 6 (11,3%), семизлик - 16(30,1%), II тип қандли диабет (II тип ҚД) - 4 (7,5%) атрофик гастрит - 43 (81,1%) нафар беморларда аниқланди.

СЮЕ сурункали касалликлар камқонлиги билан кечган **“СЮЕ+СКК”** гуруҳ 68 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши $64,1\pm 0,9$, эркаклар 33 (48,5%) ва аёллар эса 35 (51,4%) ни, шунингдек, II ФС ни 28 (41,2%) ва III ФС ни 40 (58,8%) нафар беморлар ташкил этди. Шунингдек, ушбу гуруҳдагиларнинг 49 (72%) - ИККС, АКШ ёки стентлаш амалиёти ўтказганликлари - 8 (11,7%), семизлик - 24 (35,2%), II тип ҚД - 5 (7,3%) атрофик гастрит - 7 (10,2%) нафар беморларда аниқланди.

СЮЕ буйрак дисфукцияси хисобига ривожланган **“СЮЕ ренал камқонлик”** гуруҳи 36 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши $64,0\pm 1,2$, эркаклар 13 (36,1%) ва аёллар 23 (63,9%) ни ташкил этди. СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилганда II ФС 15 (41,6%) ва III ФС 21 (58,3%) нафар беморлардан иборат бўлди. Ушбу гуруҳдагиларда ИККС сони - 19 (52,7%), АКШ ёки стентлаш амалиёти ўтказганлар - 3 (8,3%), семизлик - 21(58,3%), II тип ҚД - 5 (13,8%) атрофик гастрит - 4 (11,1%), нафар беморларда аниқланди.

Назорат гуруҳи сифатида **СЮЕ камқонликсиз** кечган 46 нафар беморлар танланди. Уларнинг ўртача ёши $64,2\pm 1,3$, эркаклар 27 (58,6%) ва аёллар 19 (41,3%) ни, улардан 25 (54,3%) нафар II ФС ни ҳамда 21 (45,7%) нафари III ФС ни ташкил этди. Ушбу гуруҳда эса, ИККС сони - 22 (47,8%), АКШ ёки стентлаш амалиёти ўтказганлар - 7 (15,2%), семизлик - 19(41,3%), II тип ҚД - 4 (8,6%) атрофик гастрит - 1 (2,1%) нафар беморларда аниқланди.

Тадқиқотга жалб этилган асосий гуруҳ беморларига шифохона шароитида Европа кардиологлар уюшмаси СЮЕ даволаш учун тавсия этган стандарт даво негизида антианемик муолажа сифатида темир III гидроксид сахароза комплекси (венофер) препарати вена ичига гуруҳлар учун индивидуал ёндошган ҳолда юборилди. Рекомбинант эритропоедин препарати темир препарати билан биргаликда буюрилди. Унинг дозаси гемоглобин миқдорини ошиши ва буйраклар фаолиятига қараб гуруҳларда индивидуал ёндошилди. Назорат гуруҳидаги беморларга умум қабул қилинган СЮЕнинг стандарт давоси буюрилди.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг умум клиник, биокимёвий ва иммунфермент таҳлиллар – кон зардобидаги темир, ферритин, трансферрин, гепсидин, эритропоедин, эрувчи трансферрин рецептори, ИЛ-6, α -УНО ва асбобий текширувлар - ЭКГ, эхокардиография (ЭхоКГ) ўтказилиб, уларнинг клиник ҳолати (В.Ю. Мареев модификацияси, 2000), ҳаёт сифати (Миннесот сўровномаси, Т. Rector, J. Sohn, 1985), жисмоний юкламаларга чидамлилиги (олти дақиқалик юриш синамаси) баҳоланди. ЭхоКГ трансторакал услубда PHILIPS Affiniti 70

ускунаси (Германия), секторли S 5–1Мгц ли ўзатгичда амалга оширилди. Иммунофермент тахлиллар Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида, генетик тахлиллар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илғор технологиялар марказининг биотехнология лабораториясида бажарилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда SPSS 18.0 (SPSS Inc., Chicago, IL) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Котегориал ўзгарувчилар сон сифатида кўрсатилган (фоизларда). Параметрик бўлмаган статистика шунга мувофиқ амалга оширилди. Гуруҳлар ўртасида таққослашлар Манн-Уитни тести ёрдамида доимий ўзгарувчилар ва тоифали ўзгарувчанлар учун Хи квадрат ёрдамида баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилиқ жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди. Тадқиқотда феррокинетик кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш учун кўп омилли кадам-бақадам ўтказилган регрессион таҳлилдан фойдаланилади.

Шунингдек, СЮЕ турли этиология камқонлик билан кечганда хар бир лаборатор кўрсаткичларнинг ташхислашдаги тутган аҳамиятини сифатли баҳолаш мақсадида ROC таҳлили ўтказилди.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилиги турли этиологияли камқонлик билан кечган беморларининг лаборатор кўрсаткичларини таққослама баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида СЮЕ камқонлик ва камқонликсиз кечганда лаборатор кўрсаткичлар ўрганилди.

Тадқиқотга жалб этилган беморлар дастлаб клиник-лаборатор кўрсаткичларига кўра 3: СЮЕ+ТТК, СЮЕ+СКК ва СЮЕ+РК билан кечган гуруҳларга бўлиниб, уларнинг қон зардобидаги феррокинетик ҳамда эрувчи трансферрин рецепторлари кўрсаткичларини фарқлари солиштирма тахлил қилинди.

Кузатувдаги беморларнинг лаборатор кўрсаткичлари тахлил қилинганда қуйидагилар аниқланди (1-жадвал).

СЮЕ камқонлик билан кечганда лаборатор кўрсаткичларни солиштирма таҳлили, СЮЕ+ТТК гуруҳи беморларида қон зардобидаги темир, ферритин, трансферрин сатурацияси кўрсаткичлари қолган гуруҳларга нисбатан яққол камайганлиги ($p < 0,001$) аниқланди. СЮЕ+СКК гуруҳи ва СЮЕ+РК билан кечган гуруҳларда темир захирасини ифодаловчи ферритин кўрсаткичи меъёрида бўлишига қарамасдан зардобдаги темир ва трансферрин сатурацияси кўрсаткичининг камайиши ($p < 0,05$) хос эканлиги қайд этилди. Бу ўз навбатида ушбу гуруҳларда функционал темир танқислиги мавжудлигини кўрсатди.

Маълумки, организмда гипоксик жараёнларга жавобан эритропоэтин (ЭПО) ишлаб чиқарилиши кўпаяди. Аксинча, яллиғланишли камқонликда ЭПО гени ва ЭПО ишлаб чиқарилиши блокланади. Бунинг сабаби яллиғланиш цитокинларининг фаоллашуви билан тушунтирилади. Шуни

таъкидлаш жоизки, буйрак етишмовчилиги ривожланишида қон зардобдаги ЭПО миқдори ва гемоглобин кўрсаткичи ўртасида тескари чизикли ўзаро боғлиқлик бузилади. Натижада камқонлик оғирлигига мос равишда ЭПО синтези ошмайди, суяк кўмиги ичи гемолизи ҳамда эритроцитлар яшаш даврининг қисқариши билан кечадиган самарасиз эритропоэз жараёни ривожланади.

1-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан ва камқонликсиз кечган беморларни гематологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	СЮЕ + ТТК (n=53)	СЮЕ + ССК (n=68)	СЮЕ + РК (n=36)	СЮЕ Камқонликсиз кечган(n=46)
Гемоглобин, г/л	101,4±0,9***	96,3±0,7***	90,9±0,6***	135,8±1,05
Гематокрит, %	36,3±0,62***	35,8±0,82***	34,2±0,24***	40,9±0,37
Эритроцитлар, x10 ¹² л	3,7±0,04***	3,7±0,02***	3,6±0,04***	4,3±0,04
ЭЧТ, мм/соат	15,7±1,09***	21,6±0,75***	20,4±2,12***	12,5±1,07
Креатинин, ммоль/л	79,9±3,27***	77,4±2,46***	126,8±4,6***	69,9±3,21
Зардобдаги темир, ммоль/л	7,9±0,2***	9,8±0,3***	11,6±0,6***	25,4±0,7
Ферритин, мкг/л	82,2±2,9***	188,6±6,7***	164,6±8,5***	348,5±8,7
Трансферрин, г/л	4,9±0,2***	3,1±0,1	3,3±0,1	2,9±0,1
Трансферрин сатурацияси, %	12,1±2,2***	12,6±2,1***	16,3±2,2***	26,3±1,9
Гепсидин, нг/мл	8,1±0,4***	23,7±0,4***	14,8±0,3***	5,1±0,2
Эритропоэтин, mIU/ml	43,4±2,3***	10,4±0,5***	8,5±0,5***	22,8±0,9
Эрувчи трансферрин рецептори, г/л	4,1±0,08***	1,9±0,06**	1,7±0,1	1,3±0,05

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- P <0,05, ** - P <0,01, *** - P<0,001)

Зардобдаги эритропоэтин миқдори СЮЕ+ТТК гуруҳида қолган гуруҳларга нисбатан ишонарли юқори эканлиги 43,4±2,3 mIU/ml (p<0,001), СЮЕ+ССК ва СЮЕ+РК гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 31,6% ва 49,8% (p<0,001) га ишонарли паст кўрсаткичларда яъни мос равишда 10,4±0,5 ва 8,5±0,5 mIU/ml га камайганлиги қайд этилди.

Юқоридаги маълумотларига асосланиб хулоса қилганда, беморларни аксарияти катта ёшдаги ёки мураккаб клиник кўринишга эга эканлиги ва кўп ҳолларда касалликлар, коморбид ҳолатлар учрашини ҳисобга олсак, нафақат темир танқислиги ҳолати балки бошқа этиологияли камқонликлар ҳам классик кўринишда камдан-кам учрайди. Шунингдек, юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, СЮЕда камқонликни ташхислашнинг олтин стандарти ҳисобланган ферритин кўрсаткичини компенсатор равишда ошиши организмда мавжуд темир танқислигини ташхислашда чалкашликлар келтириб чиқаради.

Шу сабабли ушбу гуруҳ беморларда хақиқий темир танқислик ҳолатини баҳолаш мақсадида эрувчи трансферрин рецепторларини қон зардобдаги миқдори ўрганилиб, гуруҳлар орасида унинг солиштирма таҳлили ўтказилди.

СЮЕ+ТТК гуруҳида $4,1 \pm 0,08$ г/л ни, СЮЕ+СКК ва СЮЕ+РК гуруҳларида мос равишда $1,9 \pm 0,06$ ва $1,7 \pm 0,1$ г/л ни ҳамда назорат гуруҳида унинг миқдори $1,3 \pm 0,05$ г/л ни ташкил этди. Тадқиқотимизда эрувчи трансферрин рецептори миқдорий кўрсаткичи СЮЕ+ТТК билан кечган беморларда СЮЕ+СКК ва СЮЕ+РК гуруҳлари нисбатан мос равишда 47,7% ($p < 0,001$) ва 54,2% ($p < 0,001$) ва камқонликсиз кечган назорат гуруҳига нисбатан 56,5% ишонарли юқори ($P < 0,001$) эканлиги аниқланди. 2-жадвалда эрувчи трансферрин рецепторини қон зардобдаги феррокинетик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги келтирилган.

2 – жадвал

Эрувчи трансферрин рецептори (sTfR)ни қон зардобдаги феррокинетик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги


Кўрсаткичлар	СЮЕ+ТТК n=53	СЮЕ+СКК n=68	СЮЕ+РК n=36	Назорат гр n=46
sTfR + гемоглобин	$r = -0,634$ $p < 0,001$	$r = -0,410$ $p < 0,001$	$r = -0,202$ $p = 0,237$	$r = -0,134$ $p = 0,376$
sTfR + темир	$r = -0,613$ $p < 0,001$	$r = -0,634$ $p < 0,001$	$r = -0,733$ $p < 0,001$	$r = 0,037$ $p = 0,807$
sTfR + трансферрин	$r = 0,297$ $p < 0,031$	$r = -0,187$ $p = 0,128$	$r = 0,050$ $p = 0,772$	$r = -0,038$ $p < 0,800$
sTfR + ферритин	$r = -0,436$ $p < 0,001$	$r = -0,140$ $p = 0,255$	$r = -0,109$ $p < 0,163$	$r = -0,496$ $p < 0,001$
sTfR + гепсидин	$r = -0,634$ $p < 0,001$	$r = -0,634$ $p < 0,001$	$r = -0,634$ $p < 0,001$	$r = -0,634$ $p < 0,001$
sTfR + ЭПО	$r = 0,512$ $p < 0,001$	$r = 0,185$ $p = 0,132$	$r = 0,193$ $p = 0,260$	$r = 0,176$ $p = 0,243$

Кузатувдаги беморларда sTfR ва юқорида келтирилган феррокинетик кўрсаткичлар ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинганда, sTfRни организмда темир алмашинуви мувозанати бузилишини англатувчи фаол биологик моддалар, жумладан, ферритин билан кузатувдаги СЮЕ+ТТК гуруҳ беморларида ўртача тескари ($r = -0,436$, $p < 0,001$), СЮЕ+СКК гуруҳида $r = -0,140$ ($P > 0,05$) ва СЮЕ+РК гуруҳдаги беморларда мос равишда $r = 0,109$; ($p = 0,163$) ишончли боғлиқлик аниқланмади (2-жадвал).

Шунингдек, sTfRни зардобдаги темир, трансферрин кўрсаткичлари билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги гуруҳлар ўртасида ўрганилганда, sTfR зардобдаги темир миқдори билан ҳар учала гуруҳда мос равишда $r = -0,613$, $p < 0,001$ $r = -0,634$, $p < 0,001$ ҳамда $r = -0,733$, $p < 0,001$ кучли тескари корреляцион боғлиқлиги аниқланди. sTfRни трансферрин кўрсаткичлари билан эса СЮЕ+ТТК гуруҳида кучсиз манфий боғланишдалиги, (мос равишда $r = -0,297$,

$p=0,031$; $r=-0,187$, $p=0,128$ ва $r=-0,050$, $p=0,772$) қолган гуруҳларда эса ишончли боғлиқлик йўқлиги қайд этилди.

Юқорида келтириб ўтилган лаборатор кўрсаткичларни турли этиологияли камқонлик билан кечган СЮЕни ташхислашдаги аҳамиятини баҳолаш учун ROC таҳлили ўтказилиб, қўйидагилар аниқланди. СЮЕ+ТТК гуруҳида sTfR энг катта AUC (AUC 0,661, 95% ДИ 0,552–0,750) эга эканлиги, ундан кейин ферритин (AUC 0,655, 95% ДИ 0,559–0,751) ва темир (AUC 0,636, 95% ДИ 0,536–0,737) туриши аниқланди (1-расм).




1-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги темир танқислик камқонлиги билан кечган гуруҳ беморларида ROC таҳлили

Солиштириш учун: трансферрин (AUC 0,492, 95% ДИ 0,389–0,595) ва гепсидин (AUC 0,398, 95% ДИ 0,389–0,510) ўрганилганда, уларда AUC анча пастлиги исботланди.

Шунингдек, эрувчи трансферрин рецепторининг энг юқори сезувчанлиги 96,8% ва ўзига хослиги 92%, чегара қиймати PPV 59% ва NPV 71% бўлган 2,36 га тенг. Зардобдаги ферритиннинг энг юқори сезувчанлиги 67,3% ва ўзига хослиги 67,9%, чегара бўйича қиймати PPV 27% ва NPV 38% бўлган 195 ни ташкил этди. Максимал сезгирлик 61,8% ва ўзига хослик 62% бўйича трансферрин сатурацияси чегараси PPV 32% ва NPV 44% бўлган 28,5 дан иборат бўлди.


СЮЕ+СКК гуруҳида эса гепсидин энг катта AUC (AUC 1,000, 98% ДИ 0,852–1,250) эга эканлиги, ундан кейин ИЛ-6 (AUC 0,655, 95% ДИ 0,559–0,751) туриши аниқланди (2-расм).



2-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги сурункали касалликлар камқонлиги билан кечган гуруҳ беморларида ROC таҳлили

Ушбу гуруҳда гепсидиннинг энг юқори сезувчанлиги 94,3% ва хослиги 88%, чегара қиймати PPV 60% ва NPV 72% бўлган 12,3 га тенг. Зардобдаги ИЛ-6 энг юқори сезувчанлиги 66,3% ва хослиги 61,9%, чегара бўйича қиймати PPV 27% ва NPV 38% булган 14,2 ни ташкил этди.

СЮЕ+РК гуруҳида эса эритропоэтин энг катта AUC (AUC 0,854, 95% ДИ 0,650–0,752) эга эканлиги, ундан кейин ИЛ-6 (AUC 0,655, 95% ДИ 0,559–0,751) ва α -ЎНО (AUC 0,636, 95% ДИ 0,536–0,737) туриши аниқланди (3-расм).




3-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги ренал камқонлиги билан кечган гуруҳ беморларида ROC таҳлили

Ушбу гуруҳда эса эритропоэтиннинг энг юқори сезувчанлиги 91,2 % ва ўзига хослиги 85%, чегара қиймати PPV 56% ва NPV 28% бўлган 22,3 га тенг.

Адабиётлар шарҳида келтирилганидек эрувчи трансферрин рецепторлари организмдаги хақиқий темир танқислигини кўрсатади. Юқорида таъкидлаганимиздек, СЮЕ мавжуд беморлар организмда сурункали гипоксик жараёнлар таъсирида яллиғланиш цитокинларини ошиши улар ўз навбатида камқонликни ифодаловчи лаборатор кўрсаткичларга таъсир кўрсатиб ташхислашда қатор чалкашликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ушбу кўрсаткичга таъсир қилувчи омиллар кўп омилли қадамма-қадам регрессион таҳлилда ўрганилганда СЮЕ+ТТК гуруҳ беморларида гемоглобин кўрсаткичини - 0,043 г/л га, ферритин миқдорини – 0,095 ммоль/л га камайиши эрувчи трансферрин кўрсаткичини 1 г/л ошишига олиб келиши аниқланди. СЮЕ+СКК гуруҳи беморларида ИЛ-6 миқдорини 0,066 нл/мл ва α -ЎНО миқдорини 0,104 нг/мл га ошиши гепсидинни 1нг/млга ошишига олиб келишини кўрсатди. СЮЕ+РК гуруҳида α -ЎНО миқдорини 0,043 нг/мл га ошиши ва темир миқдорини - 0,044 ммоль/л га камайиши ЭПО миқдорини 1 mlU/mlга камайишига олиб келиши аниқланди.

Шунингдек, кузатувдаги хар учала гуруҳдаги беморлардан танланган ҳолда жами уларни 38 нафарида суяк кўмиги биопсияси ўрганилиб ўзаро солиштирилди.


СЮЕ+ТТК гуруҳидаги 14 нафар беморларда суяк кўмигидаги ўзгаришлар баҳоланганда кўйидаги ўзгаришлар аниқланди (4-расм). Миелоид эритроид нисбати миелоид хужайралар томон силжиган [$\chi^2 = 4,3$; $p=0,037$]. Кам сонли полиморф ядроли лейкоцитлар [$\chi^2 = 4,8$; $p=0,028$], плазматик ва гистоцид хужайралар ҳамда камроқ лимфоцит хужайралар [$\chi^2 = 5,4$; $p=0,021$] аниқланди. Шунингдек, сидеробластлар $6,1 \pm 0,2\%$ ташкил этди.



4-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги темир танқислик камқонлиги билан кечган беморлар суяк кўмиги биоптати тасвири

СЮЕ+СКК гуруҳидаги 16 нафар беморларда суяк кўмиги биопсиясида миелоид эритроид нисбати меъёрий кўрсаткичларда. Эритроид хужайралар нормал, ўзаро бир-бири билан ёпишган ҳолда (5-расм). Кўп сонли полиморф ядроли лейкоцитлар [$\chi^2 = 7,4$; $p=0,007$], плазматик ва гистоцид хужайралар


хамда кўп миқдордаги лимфоцит хужайралар [$\chi^2 = 7,7$; $p=0,006$] яъни сурункали яллиғланиш жараёнига хос ўзгаришлар аниқланди. Сидеробластлар миқдори $15,2 \pm 0,3\%$ ташкил этди.



5-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги сурункали касалликлар камқонлиги билан кечган беморлар суяк кўмиги биоптати тасвири

СЮЕ+РК билан кечган гуруҳда 8 нафар беморларда тўш суяги пункцияси амалга оширилди (6-расм).

Ушбу гуруҳдагиларнинг пункциясидаги ўзгаришлар куйидагилар хос бўлди: Миелоид эритроид нисбати пасайган 1:1 нисбатда, эритроид хужайралар барчаси патологик шаклда [$\chi^2 = 8,3$; $p=0,004$], марказий қисми юпқалашиб кетган, гипоглобулинемия яъни гипопигментация.



6-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги ренал камқонлиги билан кечган беморлар суяк кўмиги биоптати тасвири

Хужайраларнинг етилиши бузилган [$\chi^2 = 7,9$; $p=0,005$], яъни кучли гипоксик жараёндан дарак беради. Полиморф ядроли лейкоцитлар аниқланади. Сидеробластлар миқдори $12,4 \pm 0,1\%$ иборат бўлди.

Шунингдек, СЮЕ+СКК ва СЮЕ+РК гуруҳларида сидеробластлар миқдори 10-20% оралиғида учраб, ушбу гуруҳларда функционал темир танқислик ҳолати мавжудлигини ҳамда СЮЕ+ТТК гуруҳида уларнинг миқдори 10% кам учраганлиги, ушбу гуруҳда мутлақ темир танқислиги мавжудлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, тўш суяги биопсиясида камқонликка хос ўзгаришлар билан бир қаторда ҳар бир гуруҳ биоптатаида сурункали яллиғланиш жараёни мавжудлигини кўрсатди. Бу ҳолат ўз навбатида лаборатор кўрсаткичлардаги ўзгаришлар ва яллиғланиш олди цитокинларини СЮЕ мавжуд беморларда фаоллашувини яна бир бор тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечишида ААФ ген полиморфизмларининг диагностик аҳамияти» деб номланган тўринчи бобида касалликни ривожланишида ААФ ген полиморфизмини тутган ўрни ёритилган.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида СЮЕнинг турли этиологияли камқонликлар ва камқонликсиз кечишида ангиотензинга айлантирувчи фермент (АСЕ) гени полиморфизми аҳамиятини ўрганилди. Назорат гуруҳи сифатида 40 нафар ўзбек миллатига мансуб соғлом одамлардан иборат бўлди. Кузатувдаги соғлом ҳамда СЮЕ мавжуд камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда АСЕ генининг I/D полиморфизмини II, ID ва DD генотиплари учраш сони аниқланганда, уларнинг тарқалганлиги соғлом одамлардан ташкил топган назорат гуруҳида мос равишда 42,5, 40 ва 17,5 %ни ташкил қилди. СЮЕ камқонликсиз кечган гуруҳида эса I/D полиморфизмининг генотиплари 15,2% - II, 39,1% - ID ва 45,7% - DD шаклда учради. Назорат гуруҳида ушбу ген I/D полиморфизмининг I аллели 62,5%, D аллели эса 37,5% ҳолатларда учраган бўлса, камқонликсиз кечган СЮЕ мавжуд гуруҳида ушбу кўрсаткичлар, яъни I аллели 34,8%, D аллели 65,2% ҳолларда аниқланди (3 - жадвал).

3 – жадвал

Ангиотензин айлантирувчи фермент генини I/D полиморф маркерининг аллел ва генотипларининг сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморлар ва назорат гуруҳида тарқалиш даражаси

Аллел ва генотиплар	Аллел ва генотипларнинг учраш сони				χ^2	P	OR	95% CI
	СЮЕ камқонликсиз кечган n=46 (%)	Назорат гуруҳи (соғлом) n=40 (%)						
I	32	34,8	50	62,5	13,18	0,001	0,32	0,17 0,60
D	60	65,2	30	37,5	13,18	0,001	3,125	1,67 5,83
I/D	18	39,1	16	40,0	0,007	0,933	1,038	0,434 2,485
D/D	21	45,7	7	17,5	8,0	0,005	3,96	1,455 10,774
I/I	7	15,2	17	42,5	7,9	0,005	0,243	0,088 0,673

Изоҳ –OR (нисбий имконият) - кўрсаткич >1 бўлганда, касалликни ривожланиш эҳтимоли юқорилигини кўрсатади; CI - 95% ишончлилик интервали, бунда ҳар иккала кўрсаткич 1 дан юқори ёки паст бўлганда, кўрсаткичлар ишончлилиги $p < 0,05$ га тенг бўлади; χ^2 – хи квадрат - гуруҳларда сифат белгилари, P – кўрсаткичлар ишончлилиги.

3 – жадвалда келтирилганидек, D аллел [$\chi^2=13,2$; OR–3,125; 95% ишонч оралиғи C.I.- 1,67–5,83; $P < 0,001$] ва DD генотип [$\chi^2=8,0$; OR–3,96; C.I. –1,455–

10,774; $P < 0,005$] СЮЕ мавжуд камқонликсиз кечган беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда 1,7 ва 2,6 баробар кўп учраб, улар иштирокида касалликнинг ривожланиш эҳтимоли ишончли даражада юқорилиги аниқланди. I аллел [$\chi^2 = 13,18$; OR - 0,32; C.I.- 0,17 - 0,60; $P < 0,001$] ва II генотип [$\chi^2 = 7,9$; OR - 0,243; C.I.- 0,088 - 0,673; $P = 0,005$] СЮЕ мавжуд камқонликсиз кечган беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда 1,8 ва 2,8 баробар кам учраб, уларни касаллик юзага келишида ишончли даражада протектив самарага эгаллиги маълум бўлди. ID генотиби билан СЮЕ ривожланиш ҳавфи ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланмади [$\chi^2 = 0,007$; OR - 1,038; C.I.- 0,434 - 2,485; $P = 0,933$].

СЮЕ камқонлик мавжуд беморларда ACE гени I/D полиморфизмининг генотиплари ва аллелларини касалликнинг турли камқонликларда тарқалганлик даражаси ўрганилганда, қуйидагилар маълум бўлди:

ACE гени I/D полиморфизмини аллел ва генотипларини СЮЕ ТТК, СКК ва РКларда тарқалганлик даражаси қиёсланганда (4-жадвал), D аллели ва DD генотиби мос равишда 3-гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан (64,1 га қарши 49) 15,1% ($p = 0,05$) ва (47,1га қарши 36) 11,1% ($p = 0,3$), 2 - гуруҳга нисбатан (62,5 га қарши 49) 13,5% ($p < 0,05$) ва (45,5га қарши 36) 9,5% ($p = 0,35$) га кам учради. I аллел ва II генотип мос равишда 3-гуруҳда 1-гуруҳга қараганда (36 га қарши 51) 15% ($p < 0,05$) ва (18,8 га қарши 39) 20,2% ($p < 0,05$), 2-гуруҳга нисбатан (37,5 га қарши 51) 13,5% ($p < 0,05$) ва (25 га қарши 39) 14% ($p < 0,05$) га ишонарли тарзда кўп аниқланди.


4 – жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги турли этиологияли камқонлик билан кечганда ангиотензин айлантирувчи фермент генининг I/D полиморфизми аллел ва генотипларини учраш даражаси

Аллел ва генотип	Аллел ва генотиплар учраши, %		P	Аллел ва генотиплар учраши, %		P	Аллел ва генотиплар учраши, %		P
	СЮЕ+ ТТК гуруҳ	СЮЕ+ СКК гуруҳ		СЮЕ+ ТТК гуруҳ	СЮЕ+ РК гуруҳ		СЮЕ+ СКК гуруҳ	СЮЕ+ РК гуруҳ	
I	35,8	40,4	0,467	35,8	77,8	0,001	40,4	77,8	0,001
D	64,2	59,6	0,467	64,2	22,2	0,001	59,6	22,2	0,001
I/D	33,9	27,9	0,475	33,9	22,2	0,23	27,9	22,2	0,53
D/D	47,2	45,6	0,86	47,2	11,1	0,001	45,6	11,1	0,001
I/I	18,9	26,5	0,32	18,9	66,7	0,001	26,5	66,7	0,001

Олинган статистик маълумотларга кўра, ACE гени I/D полиморфизмининг II генотиби ва I аллели СЮЕ+РК мавжуд беморларда касалликнинг ТТК ва СКК қараганда кўпроқ учраши СЮЕ мавжуд беморларда ренал камқонлик юзага келиши ҳавфидан дарак беришини кўрсатди. Аксинча, СЮЕ юзага келишида агрессив характерга эга бўлган D аллел [$\chi^2 = 4,19$; OR - 0,48; C.I.- 0,23 - 0,975; $P = 0,05$] СЮЕ мавжуд беморларда ренал камқонлик ривожланишида протектив самарага эгаллиги исботланди.

Тадқиқотга жалб этилган СЮЕ камқонлик билан кечган беморларнинг 47 нафарида - ID, 69 нафарида DD ва 41 нафарида II генотиплар учради. Ушбу генотип сақловчи беморлар кесимида зардобдаги эритропоэтин миқдори таққослама ўрганилди (7-расм).



7 - расм. Ангиотензин айлантирувчи фермент гени I/D полиморфизми генотипларини ташувчи сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик ва камқонликсиз кечган беморлар ҳамда соғломларда зардобдаги эритропоэтин миқдорини солиштирма таҳлили

Гуруҳлар ўртасида ЭПО миқдорини солиштирма таҳлили шунини кўрсатдики (7-расм), ACE гени I/D полиморфизмининг II генотипини сақловчи СЮЕ камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда қон зардобдаги ЭПО миқдори ID ва DD генотипларини сақловчи беморларга нисбатан пастлиги аниқланди. ЭПОниг юқори миқдорларда учраши ҳар иккала гуруҳ ўртасида DD генотипини сақловчи беморларда кузатилди.

